Русия инкилобининг саккизинчи ойинда, болшевикларнинг «Душман билан ярашиб, мамлакатни халокатдан куткарамиз!» деб килич кувватила хукуматни Киринскийдан тортиб олгонлари ва ўшал кундан эътиборан Туркистоннинг маркази бўлгон Тошкандда хам канча конлар тўкуб, хукумат идорасини ўз кўлларига олгонлари, аммо хозиргача халк ва мамлакат фойдасига бир пуллик иш кўрсатолмай, балки хорижий кон тўкулишлар устинда Русия дохлинда хам уруш чикариб бутун Русия халкини фалокат ва халокатга тушурмокда бўлгонлари барчага маълум бўлса керак.

Сулхга келганда, «Тездан, балки январгача душман билан ярашамиз» деб ваъда берган бўлсалар хам, бу тўгру-да хануз катъий бир карор чикаргонлари маълум эмасдур.

Болшевиклар иш бошига ўтуб олгон кунларда «Биз кичик миллатларга тамом хуррият ва истиклол берамиз!» деб хитобномалар воситасила ваъда килгон бўлсалар хам бу курук сўзлари когоз устидагина колди. Булар хозиргача хеч бир миллатнинг мухторият ва истиклолини тасдик этмадилар, балки, билъакс, шундай мухторият ва истиклолият эълон этган миллатларга тўп ва пулемут билан мукобала этдилар ва этмакдадирлар.

Муфрат «сотсиализм» маслакида бўлгон болшевикларнинг ўз маслакларини кабул этмаган миллатларга хуррият ва истиклол бермасликлари аник бўлуб чикди.

Булар истайдирларким, Русияда хуррият ва истиклолият тилагинда бўлгон миллатлар «сотсиализм» пругроми билан рафтор этсунлар, яъни хар миллатда ва хар мамлакатда «ишчи, дехкон вакилларининг шўроси» деган бир хукумат ташкил килиниб, мамлакатнинг идораси шуларга топширилсун. Миллат афродининг бутун ер, мол ва сар-ватлари умумий мулк этиб эълон килиниб, шул «шўро» ихтиёрига кўйулсун. Шундай бўлмагонда булар хеч бир миллатга хуррият ва истиклол бермас эмишлар, хеч бир миллатнинг хуррият ва истиклолини хам тасдик этмас эмишлар.

Болшевикларнинг бу гайри табиий тилаклари, бузук гаразлари хозиргача Русияда бўлгон хеч бир миллат тарафиндан кабул килинмади. Шунинг учундирки, болшевик-лар ўзларига бўйунсунмай «сотсиализм» маслагини кабул этмаган (малорус ва Дўн козокларидек) миллатлар билан Урушмокдадир.

Узимизга келганда, 95 просенти мусулмон бўлгон улуг Туркистон ўлкасинда хам болшевиклар ўз сўзларини ўтказмак ва бузук маслакларини татбик этмак учун кўлларидан келган чора ва тадбирларга киришмокдадирлар.

Чунончи, Тошканд шахар думасини таркатдилар. Туркистон Мухториятини «мулло ва буржуазлар карори» деб тасдик этмадилар ва Тошкандда Мухторият шодлиги учун намойиш ясагон мингларча мусулмонларга бир бахона билан милтик ва пулемут отиб, бир неча гунохсиз мусулмон ва русларни ўлдурдилар. Булар ила хам муддаолари хосил бўлмагоч, ўз тарафдорларини кўпайтуруб, мусулмонлар орасига мухолифат солмок учун мусулмон солдатларини ва мусулмон ишчи-дехконларини игво этдилар.

Аммо бу тадбирлар билан уларни ўз тарафларига тортмокга муваффак бўлмадилар. Чунки мусулмонлар болшевикларнинг бузук муддаоларини англаб олиб, ўзларини тортдилар, алданмадилар.

Яна мунинг устинда, ўз максадларини болшевикларга очикрок англатмак учун Туркистондаги бутун мусулмон солдат, ишчи ва дехконлар 25 декабрда Хўкандда фавкулодда бир съезд ясаб, съездда хозир бўлгон 200 нафарча намояндалар ўтган тўртинчи мусулмонлар курултойи тарафиндан чикарулгон карорларни хакли топиб, Туркистон идора ва хокимиятининг дархол Мухторият хукуматига топшурилмогига карор чикардилар.

Кани, энди кўрайлук, бу съездга болшевиклар кайси кўз билан карайлар!.. Нима дерлар!.. Хархолда болшевик-лар тек турмаслар. Бирор бахона топиб, бизнинг тинчлигимизни бузарлар, деб гумон киламиз. Чунки буларнинг чин муддаолари хануз хосил бўлгон эмасдур. Шунинг учун бизларга керакким, бу тўгрида хар эхтимолга карши хозирлик кўрайлук. Тамом бирлик билан куч йигайлук. Ўз хуррият ва мухториятимизни сакламок учун мол ва жонимизни фидо этмакка хозир бўлиб турайлук.

«Хуррият» газетаси, 1918 йил, 9 январь